

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

РЎЗМЕТОВ РАХМАТЖОН ИБОДУЛЛАЕВИЧ

**ЮҚОРИ НАВЛИ ПАХТАЛАРНИ ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИК
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

| | |
|--|----|
| Рўзметов Рахматжон Ибодуллаевич Юқори навли пахталарни қуритиш технологик жараёнини такомиллаштириш | 3 |
| Рузметов Рахматжон Ибодуллаевич Совершенствование технологического процесса сушки хлопка-сырца высоких сортов | 23 |
| Ruzmetov Rakhmatjon Ibodullaevich Improving the drying technological process of high-grade raw cotton | 41 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 44 |

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

РЎЗМЕТОВ РАХМАТЖОН ИБОДУЛЛАЕВИЧ

**ЮҚОРИ НАВЛИ ПАХТАЛАРНИ ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИК
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Слий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/T526 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мадумаров Илхомжон Дедаханович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Хакимов Шеркул Шерғозиевич
техника фанлари доктори

Джамалов Рустам Камолитдинович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил "19" июнь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон-5, тел:(+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titli_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**73**-рақами билан рўйхатга олинган).
Манзил: 100100, Тошкент, Шохжаҳон -5, тел:(+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил **12** июнь куни тарқатилди.
(2020 йил "3" июндаги **72** рақамли реестр баённомаси).



Б.Онорбоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А. Гуламов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Ш. Хакимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тўқимачилик саноатида пахта толасининг ишлатилиши бўйича умумий толалар миқдорининг 55-60 фоизини ташкил этади. Дунё статистикаси ва Пахта бўйича Халқаро консултатив қўмита (ICAC) маълумотларига кўра “2018/2019 йил мавсумида пахта толасини экспортёрлари тўртталигига АҚШ, Ҳиндистон, Австралия ва Бразилия ҳамда импортёрлари Бангладеш, Ветнам, Хитой, Туркия ва Индонезия мамлакатлари киради”¹. Пахта тозалаш саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарида замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. Бу борада, жаҳон пахта тозалаш саноатида юқори самарадорликка эга бўлган пахтани қуритиш-тозалаш ускуналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳон тажрибасида пахтани дастлабки ишлашнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан пахтани қуритиш ва ифлос аралашмалардан тозалашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, пахтани қуритиш ва тозалашнинг ресурстежамкор самарали ускуналарини яратиш вазифалари кўйилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида маҳсулот сифати ва миқдorigа салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилувчи техникавий ечимларни, пахтани қуритиш технологик жараёнида унинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишни, ёнилғи сарфини камайтириш имконини берадиган, маҳсулот сифатини бошқара оладиган технологияларни ишлаб чиқиш, ишлаш режимлари ва кўрсаткичларини оптималлаштириш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шу билан бирга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш”² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, пахтани дастлабки табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолувчи ресурстежамкор, самарадорлиги юқори бўлган қуритиш ва тозалаш технологиясини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

¹ Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон ва “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтани қуритиш ва тозалаш ускуналарини такомиллаштириш бўйича қатор чет эл олимлари F. L. William, M.H. Willcutt, S.E. Hughs, G.J. Mangialardi, S.G. Jackson, G.C. Robert, W.S. Anthony, R.M. Sutton, R.V. Baker, P.A. Boving, J.W. Laird, V.G. Arude, S.K. Shukla, T.S. Manojkumar, D.W. Van Doorn, B.M. Norman ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борган.

Пахтани қуритиш ва ифлос аралашмалардан тозалаш техника ва технологияси, асосий ишчи қисмларининг кўрсаткичлари ва ишлаш режимларини такомиллаштириш бўйича республикамизнинг бир қатор олимлари, шу жумладан Г.И.Мирошниченко, С.Д.Болтабаев, Г.Д.Джаббаров, Р.З.Бурнашев, Б.И.Роганов, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, И.К.Хафизов, А.Парпиев, А.Маматов, А.Расулов, А.Е.Лугачев, А.Джураев, Ю.С.Сосновский, М.Содиқов, М.Ахматов, М.А.Гаппарова, П.Н.Бородин ва бошқалар соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Чет эл ва маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган пахтани қуритиш ва тозалаш ускуналари таҳлилидан кўриниб турибдики, бугунги кунда пахтани самарадорликлари юқори бўлган қуритишни ресурстежамкор технологияларини яратиш масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-3-136 “Ресурстежамкор бошқариладиган толали материалларни тозалаш технологияси ва қурилмасини яратиш” (2012-2014) ва ОТ-Ф4-13 “Чигитли пахтани тозалаш технологияси самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш” (2017-2020) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахтани қуритиш ва тозалаш технологик жараёнини такомиллаштириш асосида ресурстежамкор технология тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси:

шнекли тозалагичда ҳаракатланаётган пахта ва қуритиш агенти ўртасидаги

иссиқлик алмашинуви жараёнини назарий таҳлил қилиш;

шнекли тозалагичда ҳаракатланаётган пахта намлигини буғлатиш учун сарфланаётган иссиқлик миқдорини аниқлаш;

пахтани қуритиш учун берилаётган қуритиш агенти тезлиги ва ҳароратини пахта толаси ҳароратига ва пахтанинг намлигини буғлатишга таъсирини ўрганиш;

қуритиш агенти ҳарорати ва тезлигини усқунанинг тозалаш самарадорлигига таъсирини ўрганиш;

шнекли тозалагичда юқори навли паст намликдаги пахталарни қуритиш режимларини танлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли селекцион ва саноат навли пахта ҳамда пахтани майда ифлос аралашмалардан тозалаш усқунаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида пахтани қуритиш ва майда ифлос аралашмалардан тозалаш технологик жараёнларини олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида пахтани дастлабки ишлаш, назарий ва амалий механика, математик статистика усулларида, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар ёрдамида оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар асосида ресурстежамкор, такомиллаштирилган қуритиш-тозалаш технологияси яратилган;

шнекли тозалагичда ҳаракатланаётган пахта ва қуритиш агенти ўртасидаги иссиқлик алмашинуви жараёнини математик модели қурилиб, унинг қонуниятларини ифодаловчи ечимлар олинган;

юқори навли паст намликдаги пахталарни майда ифлосликлардан тозалаш машинасида қуритиш режимлари ишлаб чиқилган;

пахтани қуритиш жараёнига қуритиш агентини ўзгармас ҳароратда узатиш усули ишлаб чиқилган;

тажрибаларни математик режалаштириш асосида пахта намлиги, қуритиш агенти ҳарорати ва усқунанинг иш унумдорлигини ўзаро боғланишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

юқори навли паст намликдаги пахталарни самарали қуритиш имкониятини берувчи рационал қуритиш режимлари ишлаб чиқилган;

пахтани майда ифлосликлардан тозалаш технологик жараёнида усқуналарнинг тозалаш самарадорликларини ўзгаришига, қуритишга берилаётган иссиқ ҳавонинг тезлиги сезиларли даражада таъсир этиши аниқланган;

пахтани меъёрий намликларгача қуритиш ва маҳсулотнинг сифат кўраткичларини сақлаб қолувчи пахтани қуритиш-тозалаш технологияси ишлаб чиқилган;

таклиф этилаётган технологик жараёнда юқори навли пахтани қуритиш учун сарфланаётган ёнилғи сарфини мавжуд технологик жараёнга нисбатан камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пахта таркибидаги намликни буғлатиш ва ифлос аралашмалардан тозалаш ускунасини назарий тадқиқотлари натижасининг амалий синови, уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантиқан мувофиқ келиши, ҳисобий ишларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шнекли тозалагичда ҳаракатланаётган пахта ва қуритиш агенти ўртасида иссиқлик алмашинуви жараёнини математик модели ишлаб чиқилганлиги, пахтани қуритиш ва тозалаш жараёнида қуритиш режимларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, ресурстежамкор қуритиш-тозалаш технологиясининг тавсия этилганлиги, ускуналарнинг тозалаш самарадорлигини ошганлиги ҳамда ишлаб чиқарилган толанинг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани дастлабки табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолувчи ресурстежамкор, самарадорлиги юқори бўлган қуритиш ва тозалаш технологияси бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

тавсия этилган пахтани қуритиш-тозалаш қурилмасига интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (Чигитли пахтани қуритиш ва тозалаш қурилмаси UZ №FAP 00328), натижада пахтани қуритиш ва тозалашнинг самарали технологияси яратилган;

тавсия этилган қуритиш-тозалаш технологияси “Ўзпахтасаноат” АЖ тассаруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Тўрақўрғон пахта тозалаш” корхонасида жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-18/5553-сон маълумотномаси). Натижада пахта тозалаш ускунасининг самарадорлиги 7,0÷8,0 % га ошириш имконияти яратилган;

пахтани қуритиш-тозалаш технологияси “Ўзпахтасаноат” АЖ тассаруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Тўрақўрғон пахта тозалаш” корхонасига жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-18/5553-сон маълумотномаси). Натижада пахтани қуритишга сарфланадиган ёнилғи сарфини 45,0÷50,0 % га камайтириш имконияти яратилган;

юқори навли пахталарни қуритиш-тозалаш ускунаси “Ўзпахтасаноат” АЖ тассаруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Тўрақўрғон пахта тозалаш” корхонасига жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-18/5553-сон маълумотномаси). Натижада корхонада ишлаб чиқарилаётган толанинг ифлосликлар ва нуқсонлар миқдорини 0,2÷0,3 % га камайтириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар таҳлили. Тадқиқот мақсади ва вазифалари”** деб номланган биринчи боби пахта хомашёсини қуритиш ва тозалаш ускуналарини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда ҳозирги ҳолатини таҳлиliga бағишланган.

Пахтани қуритиш-тозалаш техника ва технологиялари ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили уларда ҳали ечилмаган назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатди. Маълумки, 2СБ-10 қуритиш барабанлари ишлатилишида қулай, конструкциясининг соддалиги ва сервис хизмати кўрсатилишининг қулайлиги билан бир қаторда, қуритиш учун 20-22 минг м³ иссиқ ҳаво сарфланиши ва иссиқ ҳавонинг қуритиш жараёнида 55-60 фоиздан унумли фойдаланилиши ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслигига олиб келмоқда.

Хорижий ва маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган пахтани қуритиш ва тозалаш ускуналари таҳлилидан кўриниб турибдики, бугунги кунда пахта қуритишнинг самарадорликлари юқори ресурстежамкор технологияларини яратиш масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

Диссертациянинг **“Пахтани қуритиш-тозалаш жараёнини моделлаштириш”** деб номланган иккинчи бобида шнекли тозалагичда ҳаракатланаётган пахта ва қуритиш агенти ўртасидаги иссиқлик алмашуви жараёнини моделлаштириш ҳамда пахта намлигини буғлатишга сарфланаётган иссиқлик миқдорини аниқлаш бўйича назарий тадқиқотлар олиб борилган.

Шнекли тозалагичнинг барча секцияларда бир хил миқдорда пахта хомашёси мавжуд бўлиб, ҳар бир секцияда ҳаракатланаётган пахтани қуриш жараёнини тадқиқ этамиз.

Бошланғич секция сифатида $B CD$ секциясида ҳаракатланаётган пахтани қабул қиламиз (1-расм). Пахтани қуритиш жараёнини моделлаштириш учун қуйидаги шартларни қабул қиламиз:

1. Ҳар бир секциянинг юқори қисмида очик участка бўлиб, пахтани қуритишга берилаётган ҳавонинг ҳарорати доимий ва T_1 га тенг;

2. Тозалагичнинг ҳар бир секциясида пахта тўрли юза билан контактга киришиб, шнекли тозалагич ўқи бўйлаб қозикчалар томонидан берилган зарба ва судраб ўтиши натижасида ифлос аралашмалардан тозалаш амалга оширилади;


3. Тўрли юза тешиклари орасидан ҳарорати T_0 бўлган иссиқ ҳаво чиқиб туради;

4. Ҳаракатланаётган шнекли тозалагичнинг юзасидаги ҳарорат ташқи муҳит ҳароратига тенг;

5. Пахта оқимининг ҳар бир бўлакчаси шнекли тозалагичда илгариланма ва айланма ҳаракатланади;

6. Ҳар бир секцияда пахта билан ҳаво орасида Ньютон қонунига асосан иссиқлик алмашинуви жараёни содир бўлади ҳамда хомашё ва шнек юзасида контакт иссиқлик алмашинуви кечади.

1-расмда шнекли тозалагич секцияларида ҳаракатланаётган пахтанинг қуритиш жараёни схемаси келтирилган.



1-расм. Шнекли тозалагич секцияларида ҳаракатланаётган пахтанинг қуритиш жараёни схемаси

Шнекли тозалагичда ҳаракатланаётган пахтани $B CD$ секциясига ўхшаш алоҳида участкалардан иборат деб оламиз. Агар OZ ўқини шнекли тозалагич ўқи бўйлаб йўналтирсак, шнекли тозалагичнинг биринчи секциясида ҳаракатланаётган пахта бўлакчасининг ихтиёрий координатасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$x = r \cos \theta, \quad y = r \sin \theta, \quad z = \frac{h}{2\pi} \theta \quad R_0 < r < R_1, \quad 0 < \theta < 2\pi$$

бу ерда: r - кутб радиуси, h - винт қадами, R_0 ва R_1 шнекнинг ички ва ташқи радиуслари.

Шнекли тозалагичнинг очик қисми винт бурчаги θ қиймати орқали аниқланади.

$$0 < \theta < 2\alpha \quad (1)$$

2α - шнек бурчаги бўлиб, шнек ўқига паралел текислик билан цилиндрик юзанинг кесишмаси орқали аниқланди. T_{1v}, T_{1x} – шнекнинг биринчи секциясини очик қисмидаги ($R_0 < r < R_1, 0 < \theta < 2\alpha$) ҳаво ва пахтанинг ҳарорати. T_{2v}, T_{2x} - пахта бўлакчаларининг тўрли юза билан контактга киришадиган секциянинг ёпиқ қисмидаги $R_0 < r < R_1, 2\alpha < \theta < 2\pi$ ҳаво ва пахтанинг ҳарорати. $R_0 < r < R_1, 0 < \theta < 2\alpha$ секциядаги ҳаво ҳарорати T_{1v} доимий ва T_1 га тенг бўлиб, пахтанинг ҳарорати қутб координатаси r га боғлиқ бўлмайди. Пахта бўлакчалари OZ ўқи бўйлаб ҳаракатланади ва унинг тезлиги $v_x = h\omega/2\pi$ га тенг бўлади.

Қабул қилинган фаразнинг б-бандига асосан ва қуйидаги тенгламаларни $\frac{dT_{iv}}{dt} = v_v \frac{dT_{iv}}{dz} = \frac{2\pi}{h} v_v \frac{dT_{iv}}{d\theta}$ ва $\frac{dT_{ix}}{dt} = v_x \frac{dT_{ix}}{dz} = \frac{2\pi}{h} v_x \frac{dT_{ix}}{d\theta}$ эътиборга олинган ҳолда иссиқлик ўтказувчанликнинг тенгламаларини қоноатлантиради:

бўш юзалар участкаларида:

$$T_{1v} = T_1 \quad 0 < \theta < 2\alpha \quad \text{бўлганда} \quad (2)$$

$$\frac{2\pi}{h} c_x v_x \frac{dT_{1x}}{d\theta} = \alpha_{vx} (T_1 - T_{1x}) \quad 0 < \theta < 2\alpha \quad \text{бўлганда} \quad (3)$$

$$\frac{2\pi}{h} c_v v_v \frac{dT_{2v}}{d\theta} = \alpha_{vx} (T_{2x} - T_{2v}) + \beta_v * S_{11} (T_0 - T_{2v}) \quad 2\alpha < \theta < 2\pi \quad \text{бўлганда} \quad (4)$$

$$\frac{2\pi}{h} c_x v_x \frac{dT_{2x}}{d\theta} = \alpha_{vx} (T_{2v} - T_{2x}) + \beta_x * S_{12} (T_0 - T_{2x}) \quad 2\alpha < \theta < 2\pi \quad \text{бўлганда} \quad (5)$$

бу ерда, c_v, c_x – пахта ва ҳавонинг солиштирма иссиқлик ҳажми, α_{vx} - пахта бўлакчалари ва ҳаво орасидаги конвектив иссиқлик алмашинуви коэффициенти, β_v ва β_x - тўрли юза билан ҳаво ва пахта бўлакчаларини “ҳаво-пахта” аралашмаларининг контактли иссиқлик алмашинуви коэффициентлари, ўз навбатида, $S_1 = (1 - m)S, S_2 = mS, m$ - тўрли сиртни пахта бўлакчалари билан контактга кирувчи юза қисмининг улуши, S - шнекли тозалагичнинг тўрли сиртнинг умумий контакт юзаси.

(3) - (5) тенгламаларни қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\frac{dT_{1x}}{d\theta} + a_1 T_{1x} = a_1 T_1 \quad 0 < \theta < 2\alpha \quad \text{бўлганда} \quad (6)$$

$$\begin{cases} \frac{dT_{2x}}{d\theta} + c_1 T_{2x} - a_1 T_{2v} = b_1 T_0 \\ \frac{dT_{2v}}{d\theta} + c_2 T_{2v} - a_2 T_{2x} = b_2 T_0 \end{cases} \quad 2\alpha < \theta < 2\pi \quad \text{бўлганда} \quad (7)$$

бу ерда $c_1 = a_1 + b_1, c_2 = a_2 + b_2, a_1 = \alpha_{vx}/c_x \omega, a_2 = \alpha_{vx}/c_v \omega,$
 $b_1 = \beta_x/c_x \omega, b_2 = \beta_v/c_v \omega$

(6) тенглама ва (7) система қуйидаги чегаравий шартларда интегралланади:

$$T_{1x} = T_{nx} \quad \theta = 0 \quad \text{бўлганда}, \quad T_{2x} = T_{1x}(2\alpha), \quad T_{2v} = T_1 \quad (8)$$

Тенгламанинг ечими қуйидаги кўринишда бўлади

$$T_{1x} = T_1 - (T_1 - T_{nx}) \exp(-a_1 \theta), \quad T_{1v} = T_1, \quad 0 < \theta < 2\alpha \quad \text{бўлганда} \quad (9)$$

$$T_{2x} = A_2 \exp[k_1(\theta - 2\alpha)] + B_2 \exp[k_2(\theta - 2\alpha)] + T_0, \quad (10)$$

$$T_{2v} = A_2 \chi_1 \exp[k_1(\theta - 2\alpha)] + B_2 \chi_2 \exp[k_2(\theta - 2\alpha)] + T_0, \quad 2\alpha < \theta < 2\pi \quad \text{бўлганда} \quad (11)$$

бу ерда

$$k_{1,2} = -\frac{c_1+c_2 \pm \sqrt{(c_1+c_2)^2 - 4(c_1c_2 - a_1a_2)}}{2}, \chi_1 = \frac{k_1+c_1}{a_1}, \chi_2 = \frac{k_2+c_1}{a_1}$$

$$A_{21} = \frac{\chi_2[T_{1x}(2\alpha_0) - T_0] - T_1 + T_0}{\chi_2 - \chi_1}, B_{21} = \frac{\chi_1[T_{1x}(2\alpha_0) - T_0] - T_1 + T_0}{\chi_1 - \chi_2}$$

Бошқа секциялардаги тенгламалар (6) ва (7) га ўхшаш кўринишда бўлиб, куйидаги шартларда интегралланади

$$T_{2ix} = T_{2i-1,x}((2i - 2\pi) + 2\alpha),$$

$$T_{2i+1,x} = T_{2i-2,x}(2i\pi), i = 1 \dots n.$$

(6) ва (7) тенгламаларнинг ечими рекуррент формула орқали топилади:

$$T_{3x} = T_1 - [T_1 - T_{2x}(2\pi)] \exp[-a_1(\theta - 2\pi)], T_{3v} = T_1, 2\pi < \theta < 2\alpha + 2\pi \text{ бўлганда;}$$

$$T_{4x} = A_4 \exp[k_1(\theta - 2\alpha - 2\pi)] + B_4 \exp[k_2(\theta - 2\alpha - 2\pi)],$$

$$T_{4v} = A_4\chi_1 \exp[k_1(\theta - 2\alpha - 2\pi)] + B_4\chi_2 \exp[k_2(\theta - 2\alpha - 2\pi)]$$

$2\alpha + 2\pi < \theta < 4\pi$ бўлганда;

$$T_{5x} = T_1 - [T_1 - T_{4x}(4\pi)] \exp[-a_1(\theta - 4\pi)], T_{5v} = T_1, 4\pi < \theta < 2\alpha + 4\pi$$

бўлганда;

$$T_{6x} = A_6 \exp[k_1(\theta - 2\alpha - 4\pi)] + B_6 \exp[k_2(\theta - 2\alpha - 4\pi)],$$

$$T_{6v} = A_6\chi_1 \exp[k_1(\theta - 2\alpha - 4\pi)] + B_6\chi_2 \exp[k_2(\theta - 2\alpha - 4\pi)],$$

$2\alpha + 4\pi < \theta < 6\pi$ бўлганда;

$$T_{2i-1x} = T_1 - [T_1 - T_{2i-2,x}((2i - 2)\pi)] \exp[-a_1(\theta - 2i\pi + 2\pi)], T_{3v} = T_1$$

$2i\pi - 2\pi < \theta < 2\alpha + 2i\pi - 2\pi$ бўлганда;

$$T_{2i,x} = A_{2i} \exp[k_1(\theta - 2\alpha - 2i\pi + 2\pi)] + B_{2i} \exp[k_2(\theta - 2\alpha - 2i\pi + 2\pi)]$$

$$T_{2i,v} = A_{2i}\chi_1 \exp[k_1(\theta - 2\alpha - 2i\pi + 2\pi)] + B_{2i}\chi_2 \exp[k_2(\theta - 2\alpha - 2i\pi + 2\pi)]$$

$2\alpha + 2i\pi - 2\pi < \theta < 2i\pi$ $i = 1 \dots n$ бўлганда;


$$T_{2n-1x} = T_1 - [T_1 - T_{2n,x}((2n-2)\pi)] \exp[-a_1(\theta - 2n\pi + 2\pi)], T_{3v} = T_1$$

$$T_{2n,x} = A_{2ni} \exp[k_1(\theta - 2\alpha - 2n\pi + 2\pi)] + B_{2ni} \exp[k_2(\theta - 2\alpha - 2n\pi + 2\pi)]$$


$$T_{2n,v} = A_{2ni}\chi_1 \exp[k_1(\theta - 2\alpha - 2n\pi + 2\pi)] + B_{2ni}\chi_2 \exp[k_2(\theta - 2\alpha - 2n\pi + 2\pi)]$$

$2\alpha + 2n\pi - 2\pi < \theta < 2n\pi$ бўлганда θ (рад).

Шнекли тозалогич секцияларининг сони n ва юзанинг очиқ қисмидаги ҳаво ҳароратининг ҳар хил қийматларида $T_1(K)$ винт бурчаги θ га боғлиқ ҳолда пахта толаси ҳароратининг ўзгаришини эгри чизиқлари 2-3-расмларда кўрсатилган. Ҳисобларда куйидагилар қабул қилинган: $h = 0.3$ м, $c_q = 2.5$ кдж/кг · град, $c_v = 1.5$ кдж/кг · град, $T_0 = 290$ °K, $T_{xn} = 285$ °K, $\omega = 25$ с⁻¹, $\alpha_{xv} = 3 \cdot 10^4$ кдж/м³ · ч · град, $\alpha = 30$ °, $\beta_x = 10^{-5}$ кдж/м² · ч · град, $\beta_v = 1.6 \cdot 10^{-5}$ кдж/м² · ч · град.



2-расм. $T_1 = 410^0 K$ ва секциялар сони $n = 6, n = 12$ бўлганда шнекли тозалагичнинг винтлари бўйича ҳаракатланаётган пахта толаси ҳароратининг ўзгариши



3-расм. $T_1 = 420^0 K$ ва секциялар сони $n = 6, n = 12$ бўлганда шнекли тозалагичнинг винтлари бўйича ҳаракатланаётган пахта толаси ҳароратининг ўзгариши

Пахта толаси ҳарорати ўзгариши эгри чизиқларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, шнекнинг кўтарилиш бурчагини ошириш билан пахта толасининг ҳарорати дастлаб деярли тўғри чизиқ бўйича ўзгариши қонуниятига яқин, сўнгра эса, ҳароратнинг кўтарилиш жадаллиги пасаймоқда.


Шнекли тозалагичда ҳаракатланаётган пахта намлигини буғлатиш, унинг компонентларидаги намликнинг алмашуви жараёни иссиқ ҳавонинг ҳароратига ва қуритиш режимига боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг **“Иссиқ ҳавонинг ҳарорати ва тезлигини пахта толаси ҳарорати ва пахта намлигининг ўзгаришига таъсирини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида иссиқ ҳавонинг ҳарорати ва тезлигини пахта толаси ҳарорати ва пахтанинг намлигини ўзгаришига таъсирини ўрганишга бағишланган.

Тажрибалар “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” кафедраси қошидаги кичик пахта тозалаш корхонасида С-6524 селекция навли

1 нав 2 синфга мансуб, дастлабки намлиги 9,20 ва 11,05 фоиз, ифлослиги эса 3,20 ва 2,98 фоизни ташкил этган пахталарда ўтказилди. Тажрибалар ўтказишда пахтани қуритиш учун берилаётган ҳаво тезлигини 2,5; 4,0; 5,5 ва 7,0 м/с, ҳароратларини 120; 140; 160 ва 180 °С, қуритиш вақтини 10, 20, 30 ва 40 секунд қилиб олинди. Қуритилиб тозаланган пахтанинг намлиги ва ифлосликларини аниқлаш учун O'zDSt 643:2006, O'zDSt 644:2006, O'zDSt 592:2008 давлат стандартларидан фойдаланилди.

4-расмда пахта толаси ҳароратининг ўзгаришини қуритиш вақтига боғлиқлик графиклари кўрсатилган.



1, 2, 3, 4 – ўз навбатида 120, 140, 160, 180 °С

4-расм. Пахта толаси ҳароратининг ўзгаришини қуритиш вақтига боғлиқлик графиги

Олинган графиклардан кўриниб турибдики, пахтанинг намлиги 11,05 фоизни ташкил этиб, қуритишга берилаётган ҳавонинг тезлиги 2,5 м/с, ҳарорати эса 120 °С ни ташкил этганда, пахтани 10 секунд қуритилгандан сўнг пахта толасининг ҳарорати 33 °С ни ташкил этган бўлса (1-эгри чизик), пахтани 20 секунд қуритилгандан сўнги ҳарорати 38 °С ни, 30 секунддан сўнги ҳарорати 42 °С ни ва 40 секунд қуритилгандан сўнги ҳарорати эса 44 °С ни ташкил этмокда. Пахтани қуритиш учун берилаётган ҳавонинг ҳарорати 140 °С ни ташкил этиб (2-эгри чизик) 10, 20, 30 ва 40 секунд қуритилгандан сўнг пахта толасининг ҳарорати 35, 41, 45 ва 48 °С ларгача, ҳавонинг ҳарорати 160 °С ни ташкил этиб (3-эгри чизик;), пахтани 10, 20, 30 ва 40 секунд қуритилгандан сўнги пахта толасининг ҳарорати ўз навбатида 38; 44; 49 ва 53 °С гача ва ҳавонинг ҳарорати 180 °С ни ташкил этганда эса 41; 48; 53 ва 56 °С ларгача кўтарилмокда.


4(б)-расмдаги графиклардан кўриниб турибдики, пахтанинг намлиги 11,05 % ни ташкил этиб, қуритишга берилаётган ҳавонинг ҳарорати 120 °С, тезлиги 7 м/с да 10 секунд қуритилган пахта толасининг ҳарорати 40 °С ни ташкил этган бўлса (1-эгри чизик), пахтани 20 секунд қуритилгандан сўнг

унинг ҳарорати 45 °C ни, 30 секунддан сўнги ҳарорати 50 °C ни ва 40 секунд қуритилгандан сўнги ҳарорати эса 54 °C ни ташкил этмоқда.

Графиклардан кўриниб турибдики намлиги 11,05 фоизли пахтани ҳавонинг ҳарорати 120 °C, тезлиги 2,5 м/с да қуритилгандан сўнг пахта толаси ҳароратини 40 секунд мобайнида 44 °C га кўтарилиши кузатилган бўлса, иссиқ ҳавонинг тезлигини 7,0 м/с гача оширилганда, пахта толаси ҳароратини 54 °C гача кўтарилиши кузатилмоқда.

Демак, иссиқ ҳаво тезлигини 2,5 м/с дан 7 м/с гача кўтарилиши пахта толаси ҳароратини жадал суръатларда ошишига олиб келмоқда.

5-расмда турли хил ҳаво тезлиги ва ҳароратларида пахтанинг намлигини вақт бўйича ўзгариш графиклари кўрсатилган. 5(а)-расмдан кўриниб турибдики, намлиги 9,20 фоиз бўлган пахтани қуриштишга берилаётган иссиқ ҳавонинг тезлиги 2,5 м/с ни, ҳарорати эса 120 °C да 10 секунд қуритилгандан сўнги намлиги 8,20 фоизни ташкил этган бўлса (1¹-эгри чизик), пахтани 20 секунд қуритилгандан сўнги намлиги эса 7,80 фоизни, 30 секунддан сўнги намлиги 7,50 фоизни ва 40 секунд қуритилгандан сўнги намлиги эса 7,30 фоизни ташкил этмоқда.



Пахтани қуриш вақти, сек

Пахтани қуриш вақти, сек

Қуриштишга берилаётган ҳавонинг тезлиги а) 2,5 м/с ва б) 7,0 м/с.

1, 2, 3, 4-ўз навбатида ҳавонинг ҳарорати 120; 140; 160 ва 180 °C; пахтанинг намлиги 11,05 %;

1¹, 2¹, 3¹, 4¹-ўз навбатида ҳавонинг ҳарорати 120; 140; 160 ва 180°C,

пахтанинг намлиги 9,20 %


5-расм. Пахта намлигининг ўзгаришини қуриштиш вақтига боғлиқлик графиги

Графиклар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, намлиги 9,20 фоизли пахтани, ҳавонинг ҳарорати 140 °C да 2,5 м/с тезликда 10 секунд қуритилганда пахтанинг намлиги 7,80 фоизни ташкил этган бўлса, ҳавонинг тезлиги 7 м/с

гача оширилганда пахтанинг намлигини 10 секунд мобайнида 7,40 фоизгача камайиши кузатилмоқда. Намлиги 11,05 фоизни ташкил этган пахтани 120 °С да ҳавонинг тезлиги 2,5 м/с да пахтанинг намлигини 8,10 фоизгача қуритиш учун 40 секунд вақт сарфланган бўлса, ҳавонинг тезлигини 7 м/с гача оширилганда пахтанинг намлигини 8,0 фоизгача қуритиш учун 10 секунда вақт сарфланмоқда. Пахтани қуритиш учун берилаётган иссиқ ҳаво тезлигини оширилиши намликнинг буғланишини жадал суратларда ўсишига олиб келмоқда.


6-расмда чигитли пахтани қуритишга берилаётган ҳавонинг тезлиги, ҳароратини ва қуритиш вақтининг ўзгаришини усқунанинг тозалаш самарадорлигига таъсири гистограмма кўринишида кўрсатилган.

Гистограммадан кўриниб турибдики, намлиги 11,05 фоизли пахтани қуритишга берилаётган ҳавонинг ҳарорати 120 °С, ҳавонинг тезлиги 2,5 м/с да 40 секунд қуритилгандан сўнг усқунанинг тозалаш самарадорлиги 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, ҳавонинг ҳароратини 140, 160 ва 180 °С гача кўтарилганда, усқунанинг тозалаш самарадорликларини ўз навбатида 65,1; 74,6 ва 77,8 фоизларгача кўтарилиши кузатилмоқда.



Қуритишга берилаётган ҳавонинг тезлиги 2,5 м/с, пахтанинг намлиги 11,05 %

6-расм. Усқунанинг тозалаш самарадорлигини вақт бўйича ўзгариши



Пахтанинг намлиги 11,05 %, ифлослик миқдори 2,98 %

7-расм. Усқунанинг тозалаш самарадорлигини қуритишга берилаётган ҳавонинг тезлиги бўйича ўзгариши.

7-расмдаги гистограммадан кўриниб турибдики, намлиги 11,05 фоиз, ифлослиги 2,98 фоизли пахтани қуритишга берилаётган ҳавонинг ҳарорати 120 °С ташкил этиб, унинг тезлиги 2,5 м/с бўлганда усқунанинг тозалаш

самарадорлиги 30,4 фоизни ташкил этган бўлса, иссиқ ҳавонинг тезлигини 4,0; 5,5 ва 7,0 м/с гача оширилганда усқунанинг тозалаш самарадорликларини 35,1; 38,6 ва 42,6 фоизларга ўсиши кузатилмоқда.

Пахтани қуритиш учун берилётган иссиқ ҳавонинг тезлигини 2,5 м/с дан 7,0 м/с гача ошиши билан усқунанинг тозалаш самарадорлигини 10-12 фоизгача кўтарилиши кузатилмоқда.


Диссертациянинг **“Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тадқиқотлар ва иқтисодий самарадорлик ҳисоби”** деб номланган тўртинчи бобида тавсия этилаётган технологик жараёни “Наманганпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги “Тўрақўрғон пахта тозалаш” корхонасида ўтказилган тажриба-синови натижалари, тажрибаларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб пахтани қуритиш режимларини танлаш ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашга бағишланган.



8-расм.Тажрибалар ўтказиш учун тайёрланган тозалаш усқунасининг умумий кўриниши

9-расмда пахта намлиги ўзгаришини иссиқ ҳаво сарфига боғлиқлик графиги кўрсатилган. 9 (а)-расмдаги графикалардан кўришиб турибдики, ҳавонинг ҳарорати 75 °С ни ташкил этиб, пахтани қуритишга берилётган ҳавонинг сарфи 8 минг м³/соатни ташкил этганда, пахтанинг намлиги 8,90 фоиздан 8,71 фоизгача, ҳавонинг сарфини 9 минг м³/соатгача оширилганда пахтанинг намлигини 8,50 фоизгача, ҳавонинг сарфи 10 минг м³/соатни ташкил этганда эса пахтанинг намлигини 8,40 фоизгача камайиши кузатилмоқда.

Пахтани қуритишга берилётган ҳавонинг ҳарорати 100 °С ни ташкил этиб, ҳавонинг сарфи 8; 9 ва 10 минг м³/соатларни ташкил этганда, пахтанинг намлигини ўз навбатида 8,57; 8,30 ва 8,10 фоизларгача камайишининг гувоҳи бўламиз. Худди шунингдек пахтани қуритишга берилётган ҳавонинг ҳарорати 125 ва 150 °С ларни ташкил этганда пахтанинг намликларини ўз навбатида 8,40; 8,20; 8,03 ва 8,28; 8,10; 7,95 фоизларгача камайиши кузатилмоқда.




1, 2, 3, 4 – ўз навбатида 75, 100, 125, 150 °C

9-расм. Пахта намлиги ўзгаришининг ҳаво сарфига боғлиқлик графиги

9(б)-расмдаги графикларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳавонинг ҳарорати 75 °C ни ташкил этиб, пахтани қуритишга берилаётган ҳаво сарфи 8 минг м³/соатни ташкил этганда, пахтанинг намлиги 10,70 фоиздан 9,20 фоизгача камайиши кузатилган бўлса, ҳаво сарфини 9 минг м³/соатгача оширилганда пахтанинг намлигини 9,00 фоизгача, ҳаво сарфи 10 минг м³/соатни ташкил этганда эса пахтанинг намлигини 8,80 фоизгача камайиши кузатилмоқда.

Пахтани қуритишга берилаётган ҳавонинг ҳарорати 100 °C ни ташкил этиб, ҳавонинг сарфи 8; 9 ва 10 минг м³/соат ташкил этганда, пахтанинг намлиги ўз навбатида 8,9; 8,75 ва 8,60 фоизларни ташкил этмоқда. Иссиқ ҳавонинг ҳарорати 125 ва 150 °C ларни ташкил этганда пахтанинг намликларини ўз навбатида 8,74; 8,54; 8,38 ва 8,58; 8,36; 8,10 фоизларгача камайиши кузатилмоқда.



1, 2, 3, 4 – ўз навбатида 75, 100, 125, 150 °C

10-расм. Ускунанинг тозалаш самарадорлиги ўзгаришининг ҳаво сарфига боғлиқлик гистограммаси (наманган-77, 1 нав 2 синф, намлиги 10,7 фоиз, ифлослиги 2,45 фоиз)

10-расмдаги гистограммадан кўришиб турибдики, пахтанинг намлиги 10,70 фоизни ташкил этиб, пахтани қуритишга берилаётган ҳаво сарфи 8 минг м³/соатни, ҳавонинг ҳарорати 75 °С ни ташкил этганда ускунанинг тозалаш самарадорлиги 43,2 фоизни ташкил этган бўлса, ҳавонинг ҳарорати 100 °С гача оширилганда ускунанинг тозалаш самарадорлиги 45,2 фоизгача, ҳавонинг ҳарорати 125 °С ни ташкил этганда эса ускунанинг тозалаш самарадорлиги 47,60 фоизгача, ҳавонинг ҳарорати 150 °С гача кўтарилганда ускунанинг тозалаш самарадорлигини 49,3 фоизгача кўтарилиши кузатилмоқда. Пахтани қуритишга берилаётган ҳавонинг сарфи 9 минг м³/соатни ташкил этиб, ҳавонинг ҳароратлари 75; 100; 125 ва 150 °С ларни ташкил этганда, ускунанинг тозалаш самарадорликлари ўз навбатида 45,8; 48,4; 50,6 ва 52,6 фоизларни ташкил этмоқда. Иссиқ ҳавонинг сарфи 10 минг м³/соатни ташкил этиб, ҳавонинг ҳароратлари 75; 100; 125 ва 150 °С ларни ташкил этганда, ускунанинг тозалаш самарадорликлари ўз навбатида 47,56; 50,36; 53,04 ва 54,64 фоизларни ташкил этмоқда.

Тажрибалардан олинган натижалар таҳлилига асосан, тозалаш ускунасида намлиги 11,0 фоизгача бўлган пахталарни қуритиш ва тозалаш учун ҳаво сарфи 10,0 минг м³/соат қабул қилинди.

Пахтани қуритиш режимларини танлаш учун тажрибаларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб, тўлиқ факторли тажрибалардан ўтказилди:

1 жадвал

Тажрибалар ўтказиш учун танлаб олинган кирувчи факторларнинг қийматлари

| Белгиланиши | Факторнинг номланиши | Қийматлар кўрсаткичлари | | |
|----------------|-----------------------------------|-------------------------|-----|-----|
| X ₁ | Қуритиш агенти ҳарорати, °С | 100 | 125 | 150 |
| X ₂ | Пахтанинг намлиги, % | 9 | 10 | 11 |
| X ₃ | Ускунанинг иш унумдорлиги, т/соат | 6 | 8 | 10 |

2 жадвал

Чиқувчи факторлар

| Белгиланиши | Чиқувчи кўрсаткичларнинг номланиши | Бирлиги |
|----------------|---|---------|
| Y ₁ | Толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори | % |
| Y ₂ | Толанинг намлиги | % |

Регрессия коэффицентларини аҳамиятлилик гипотезасини Стьюдент мезонидан фойдаланиб, қуйидаги моделлар қурилди.

$$Y_1 = 2,3054 - 0,0946x_1 + 0,1604x_2 + 0,0912x_3$$

$$Y_2 = 5,8183 - 0,0683x_1 + 0,1092x_2 + 0,1933x_3 + 0,0108x_1x_2 + 0,0200x_2x_3$$

Фикрий тажрибалар олиб борилиб, қуритиш режимлари танланди.

3-жадвалда пахтани намликлари бўйича қуритиш режимлари келтирилган.

Пахтани намликлари бўйича қуритиш режимлари

| Пахтанинг намлиги, % | Қуритгичнинг иш унумдорлиги, т/соат | Қуритиш агентининг ҳарорати, °С |
|----------------------|-------------------------------------|---------------------------------|
| 8-9 | 6 | 110 |
| | 8 | 120 |
| | 10 | 130 |
| 9-10 | 6 | 120 |
| | 8 | 130 |
| | 10 | 140 |
| 10-11 | 6 | 130 |
| | 8 | 140 |
| | 10 | 150 |

Пахтани мавжуд ва таклиф этилаётган технологик жараёнларда қайта ишлангандан сўнг қуритиш барабанларида ва майда ифлосликлардан тозалаш ускунасида намликни буғлатиш, технологик жараённинг тозалаш самарадорликлари ва ишлаб чиқарилган толанинг сифат кўрсаткичлари аниқланди.

Ишлаб чиқаришда тажриба натижалари

| Кўрсаткичлар | Қайта ишлаш вариантлари | Пахтанинг саноат ва селекцион нави | |
|--|-------------------------|------------------------------------|----------------|
| | | Нам-77, I нав | Нам-77, II нав |
| 1. Пахтанинг дастлабки намлиги, % | мавжуд | 8,90 | 10,70 |
| | таклиф этил. | 8,90 | 10,70 |
| 2. Пахтанинг дастлабки ифлослиги, % шу жумладан майда ифлослик, % | мавжуд | 5,55 | 4,85 |
| | таклиф этил. | 5,55 | 4,85 |
| | мавжуд | 3,95 | 2,45 |
| | таклиф этил. | 3,95 | 2,45 |
| 3. Қуритиш агентининг ҳарорати, °С | мавжуд | 90 | 140 |
| | таклиф этил. | 100 | 140 |
| 4. Пахтанинг намлиги, % - қуритгичдан сўнг | мавжуд | 8,1 | 8,24 |
| | таклиф этил. | 8,16 | 8,32 |
| - тозалагичдан сўнг | мавжуд | 8,02 | 8,14 |
| | таклиф этил. | 8,08 | 8,20 |
| 5. Майда ифлосликлардан тозалаш ускунасида сўнг пахтанинг ифлослиги, % (майда ифлослик бўйича) | мавжуд | 2,30 | 1,45 |
| | таклиф этил. | 2,00 | 1,28 |
| 6. Ускунанинг майда ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлиги, % | мавжуд | 41,8 | 40,8 |
| | таклиф этил. | 49,4 | 47,8 |
| 7. УХК дан сўнг пахтанинг ифлослик миқдори, % | мавжуд | 0,84 | 0,80 |
| | таклиф этил. | 0,48 | 0,42 |
| 8. Тозалаш самарадорлиги | мавжуд | 84,86 | 83,5 |
| | таклиф этил. | 91,4 | 91,34 |
| 9. Толадаги ифлослик ва нуқсонлар миқдори, % | мавжуд | 2,27 | 2,61 |
| | таклиф этил. | 2,06 | 2,32 |

Ўтказилган амалий ва назарий тадқиқотлар натижалари асосида пахтани қуритиш-тозалаш ускунаси такомиллаштирилди. Тажрибалар Наманган-77 селекцион навли, 1-нав 2-синфга мансуб намлиги 8,90 фоизли ва ифлослиги 5,55 фоизли ҳамда 2-нав 1-синфга мансуб намлиги 10,7 фоиз ва ифлослиги 4,85 фоизли пахталарда ўтказилди. Тажрибалардан олинган натижалар 4-жадвалда кўрсатилган.

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба-синов натижаларига кўра таклиф этилаётган технологик жараёнда ускуналарнинг майда ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлиги мавжуд технологик жараёнга нисбатан 7,0-8,0 фоизгача юқорилиги ва ишлаб чиқарилган тола таркибидаги ифлос аралашмалар ва нуқсонлар миқдорини 0,2-0,3 фоизга камайишига эришилди. Қуритиш-тозалаш ускунаси ўрнатилган технологик жараёнда юқори навли паст намликдаги пахталарни қуритиш учун сарфланаётган ёнилғи сарфини мавжуд технологик жараёнга нисбатан 2 маротабагача камайтиришга эришилди.

Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганда қайта ишланаётган пахта хомашёсидан олинаётган толанинг сифат кўрсаткичларини кўтарилиши ва ёқилғининг тежалиши натижасида 308795 минг сўм иқтисодий самарага эришилди.

ХУЛОСА

Пахтани қуритиш ва тозалаш ускуналарининг такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Пахтани қуритиш ва тозалаш техника ва технологиялари ва уларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили, уларда ҳали ечилмаган назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатди.

2. Шнекли тозолагичда ҳаракатланаётган пахта ва қуритиш агенти ўртасидаги иссиқлик алмашинуви жараёнининг математик модели қурилди ва иссиқлик алмашинув қонуниятларини ифодаловчи ечимлари топилди. Назарий изланишлар натижасида шнекнинг кўтариш бурчаги ошиши ҳисобига пахтанинг ҳароратини дастлаб тўғри чизик бўйича ўсиши, сўнгра ҳароратнинг кўтарилиш жадаллигини пасайиши аниқланди.

3. Пахтани қуритиш-тозалаш технологик жараёнида пахтанинг намлигини меъёрий намликларгача қуритиш, толанинг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш ва ускуналарнинг тозалаш самарадорликларини юқори бўлишига қуритиш агенти ҳароратини ошириш ҳисобига эмас, балки қуритиш агенти тезлигини ошириш ҳисобига эришиш мумкинлиги аниқланди.

4. Пахтани қуритиш учун берилаётган иссиқ ҳавонинг тезлигини 2,5 м/с дан 7,0 м/с гача ошиши пахта таркибидан намликни буғлатиш жараёнини жадаллаштириши аниқланди.

5. Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш технологик жараёнида ускуналарнинг тозалаш самарадорликларини ўзгаришига, қуритишга

берилаётган иссиқ хавонинг тезлиги сезиларли даражада таъсир этиши аниқланди.

6. Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба-синов натижаларига кўра, такомиллаштирилган ускунанинг тозалаш самарадорлиги 7-8 фоизга ошишига эришилиб, таклиф этилаётган технологик жараёнда ишлаб чиқарилган тола таркибидаги ифлос аралашмалар ва нуқсонлар миқдори мавжуд технологик жараёнга нисбатан 0,2-0,3 фоизга камайишига эришилди.

7. Таклиф этилаётган технологик жараёнда юқори навли пахтани қуритиш учун сарфланаётган ёнилғи сарфини мавжуд технологик жараёнга нисбатан 2,0 маротабагача камайтиришга эришилди.

8. Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганда қайта ишланаётган пахта хом ашёсидан олинаётган толанинг сифат кўрсаткичларини кўтарилиши ва ёқилғининг тежалиши натижасида 308795 минг сўм иқтисодий самарага эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

РУЗМЕТОВ РАХМАТЖОН ИБОДУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА
СУШКИ ХЛОПКА-СЫРЦА ВЫСОКИХ СОРТОВ**

05.06.02-Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.4.PhD/T526.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Мадумаров Илхомжон Дедаханович
доктор технических наук

Официальные оппоненты: Хакимов Шеркул Шерғозиевич
доктор технических наук

Джамалов Рустам Камолитдинович
кандидат технических наук

Ведущая организация: Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 19 июня 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул.Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 73). (Адрес 100100, г. Ташкент, ул.Шохжахон-5, тел. (+99871)-253-06-06, 253-08-08)

Автореферат диссертации разослан 12 июня 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 72 от 3 июня 2020 года).



[Signature]
Б.Онорбоев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

[Signature]
А.Гуламов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

[Signature]
Ш. Хакимов
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Хлопковое волокно составляет 55-60 % от общего объема волокна, используемого в мировой текстильной промышленности. Согласно мировой статистике и Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC) «в пятерку экспортеров хлопкового волокна урожая в 2018/2019 года включены: США, Индия, Австралия и Бразилия, а также импортеров - Бангладеш, Вьетнам, Китай, Турция и Индонезия»¹. Динамичное и устойчивое развитие хлопкоочистительной промышленности, внедрение на предприятиях отрасли современного оборудования, повышение эффективности и рационального использования производственных мощностей является основой для конкурентоспособности на мировом хлопковом рынке. В этой связи особое внимание уделяется совершенствованию сушильно-очистительных машин хлопка-сырца с высокой эффективностью и созданию ресурсосберегающих технологий в мировой хлопковой промышленности.

В мировой практике проводятся широкомасштабные исследования по совершенствованию техники и технологии первичной обработки хлопка-сырца. В этой сфере проведения научно-исследовательских работ по разработке эффективной технологии сушки и очистки от сорных примесей, разработке эффективных и ресурсосберегающих сушильно-очистительных машин, оптимизации режимов и параметров машин обретают особую важность. При научно - исследовательских работах особенно важными факторами являются в каждом этапе производства определить отрицательные значения влияющих факторов на качество и количество выпускаемой продукции а также решение их технического устранения, при технологическом процессе сушки хлопка сохранить их исходные данные, разработать технический процесс, который может контролировать качество продукции, а также экономию расхода топлива.

В нашей республике осуществляются комплексные меры по развитию хлопковой отрасли, модернизации и техническому перевооружению хлопкоочистительных предприятий, повышению рентабельности производства и переработки хлопка-сырца, а также обеспечению конкурентоспособности выпускаемой продукции. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности, по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики, уменьшению расходов энергии и ресурсов, широкому внедрению энергосберегающих технологий...»². Разработка ресурсосберегающей, высокоэффективной технологии сушки и очистки при сохранении природно-качественных показателей хлопка-сырца является одной из важных задач, поставленных правительством.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

¹ Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

